

**ЗАМОНАВИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
АРХИТЕКТУРАВИЙ ЕЧИМЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.
(АҚШ МИСОЛИДА)**

¹ТАҚИ, “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси дотсенти, арх. ф. н. Б.

Б.Иноғомов

²ТАҚИ, “Бино ва иншоотлар архитектураси” йўналиши 2-босқич

магистранти **У. Х. Абдусаломов**

Аннотация – ушбу мақолада Америка Қўшма Штатлари университетларининг мустамлакачилик, илк мустақиллик даври ҳамда бугунги кунга қадар бўлган даврида ривожланишига қисқача назар ташланади. Америка университетлари жамиятда содир бўлган ўзгаришларга жавобан қандай ривожланганлиги ҳамда меъморчиликда ўзининг қадриятларини сақлаб қолган ноёб маъданий мерос ҳақида гап кетади.

Таянч сўз ва иборалар: Университет, кампус, бино типологияси, Гарвард университети, кўп мақсадли бино, кутубхона, замонавий архитектура, модернизм.

Ключевые слова: Университет, кампус, типология зданий, Гарвардский университет, многоцелевое здание, библиотека, современная архитектура, модернизм.

Keywords: University, campus, building typology, Harvard University, multi-purpose building, library, modern architecture, modernism.

Замонавий дунёда АҚШ энг илғор мамлакатларидан бўлиб, таълим, маъданият ва меъморчиликда ўз ўрнига, юксак салоҳиятга эга давлат ҳисобланади. Айниқса бугунги Америка университетларининг нуфузи дунё тарихида ҳар

качонгиданда илғор даражага етди. Америкада университетлар жамият билан бирга ривожланди. Дастлабки даврларда мамлакат ривожини учун хизмат қилган университетлар бугунга келиб дунё аҳлини энг сифатли таълим тизими билан, энг керакли кадрлар билан таъминлаб келмоқда. Бунга албатта кўркем ва кулай шароитларга эга ҳақиқий архитектура ёдгорликларига айланган бино ва иншоотларнинг ўрни беқиёс. Америка Қўшма Штатлари олий таълим муассасаларини барпо этиш тажрибасида икки хил усул қўлланилади: осмонўпар кўп қаватли бино кўринишида ёки кампус мажмуаси кўринишида. Кампуслардан иборат университетлар кўп қаватли бинодан ташкил топган университетлардан кўра кенг тарқалган. Илк кампус мажмуаси ҳам Америка Қўшма Штатларида яратилган бўлиб, бу илмий атама лотин тилидан олинган “самро” сўзидан олинган ва амалиётга жорий этилган. “Samro” лотин тилидан “кам дарахтларга эга майсазор” ёки “шаҳардаги очик жой” маъноларини беради. Маънодан келиб чиқиб англашимиз мумкинки, кампус шаҳарнинг бир қисмида жойлашган очик майдонда жойлаштирилган дарахтлар ва майсазорлардан иборат ўзига хос бинолар мажмуасидир. Бу атама 18-асрда биринчи бўлиб Принстон Университетининг биринчи биноси - Нассау Холл олдида ўрмонзорни тасвирлаш учун ишлатилган (1-расм). Лотин тилидан бевосита маҳаллийлаштирилган янги атама Принстон Университети мисолида ишлатилишига қуйидаги ҳолат сабаб бўлган. Бу университет ўрмон ва далалар орқали савдо-сотик ҳамда кўча шовқинлари, саноатлашган шаҳарнинг тугаши ва кенг, тинч ва осуда илм даргоҳининг бошланиши билан шундай маъно касб этди. Ва шундан кейин бу ерда йирик мажмуа, учта олий таълим муассасаларини, хусусан, Гарвард университети (Harvard University, 2-расм), Уиллиам ва Мерй коллежи (The College of William and Mary) ва Йел Университетлари (Yale University)ни ўзида мужассам этган шаҳар четидаги кампус мажмуаси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мажмуа йирик метрополитендан ҳоли жойлашган академик шаҳарча бўлиб алоҳида жойлаштирилди. Бу

талабаларни оддий америкаликлар ҳаётидан ҳам вақт ҳам маконда ажратиб турувчи ўзига хос муҳит вазифасини бажарди. 18-асрнинг охирига келиб кампусларни бошқа фуқаролик биноларидан устун сифатида лойиҳалаш мамлакат миқёсида устувор вазифа этиб белгиланди. Ўқув биноларининг жойлашуви лойиҳаланаётган университетнинг ишлаш услуби ва ўқитиш йўналишидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш Америка университетларида яққол акс эта бошлади. Университет ўқув дастури бино қурилиши ва жойлашувининг шаклини белгилаб берди. Юқорида айтиб ўтилган Гарвард университети дастлаб кам қаватли 2-3 қаватдан иборат ғишт деворли кичик бинолардан, зарурат бўлганда кичик орнамент деталлардан фойдаланган ҳолда қурила бошлади. Уиллиам ва Мерй коллежи битирувчиси бўлган Томас Жефферсон бундай режалаштиришларни қаттиқ танқид қилган ҳолда ўзининг фикрини қуйидагича ифода этди: “бино кўриниши ёқимсиз, хоналар кичик, ёнғин чиқса, қулаб тушади” – дея айтади. Жефферсон ривожланиб бораётган демократик давлат учун университет биноси қанчалик аҳамият касб этишини англаб етганди. 1817-1826 йилларда Жефферсон Виржиния Университети мисолида ўзининг қарашлари акс этган лойиҳа концепсиясини ишлаб чиқди. Унга кўра, талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган уйлар тизимидан ташкил топган талабалар шаҳарчасини лойиҳалаштириш орқали у ўзининг ўқув қўлланмаларига асосланган ҳолда идеал меъморий метафорани ишлаб чиқди. У "академик қишлоқ" деб таърифлаган ўзининг утопик жамоасида, мажмуанинг марказидаги ўтлоқли "майсазор" талабалар ва ўқитувчилар учун билимларни баҳам кўришга имкон берадиган майдон вазифасини бериши керак эди. Жефферсоннинг наздида Америка университети талабалар истиқомат қиладиган уйлар, ўқув бинолари ва тадқиқотлар ўтказилувчи илмий амалий бинолардан ташкил топиши зарур эди. Лекин бино шакли одатий тўртбурчак шаклда лойиҳаланишини сақлаб қолинди. Жефферсон ўзининг Виржиния Университетининг янги

кўринишдаги лойиҳасида биноларнинг меъморий шакллари ўзгартирди. У бино лойиҳаларини ХИВ асрнинг архитектори Андреа Палладио ишларидан илҳомланган ҳолда, Рим антик даврнинг буюк ёдгорликлари билан боғлашга интилди. Ўнлаб павилионлардан иборат Виргиния Университетида бир нечта бинолар Фортуна Вирилис ибодатхонаси, Каркала ҳаммомлари ва Марселус театри кўриниши асосида қурилди. Унинг кутубхонаси Ротунда Пантеон, ибодатхона биносига асосланган эди; лекин ибодатхонадан фарқли равишда таълим муассасасига – кутубхонага мослаб лойиҳаланди. Университет кутубхонаси бўлган Ротунда кутубхонаси кампус мажмуасининг шимолий шарқида жойлаштирилди. Рамзий маънода бу Шарқ ва Европадан билим олиб, ғарбда жойлашган Американи илм-зиё билан бойитиш маъносини касб этди. Жефферсоннинг кампус мажмуасини қуриш ғояси мамлакат бўйлаб ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Алабама университети Васийлик кенгаши расмий равишда Жефферсондан Виржиния университети учун режасининг нусхасини сўради ва уни 1832 йилда қурилган талабалар шаҳарчаси дизайнида аниқ кўрсатиб берди. Шимолий Каролина, Жоржия ва Миссисипи университетларининг кампуслари ҳам Жефферсоннинг ғояларидан таъсирланиб қурилди. Жефферсоннинг издоши Роберт Миллс Жанубий Каролина коллежи, ҳозирги Жанубий Каролина университети кампусини лойиҳалаштирган ва унинг ўзига хос майсазори бор эди, ҳозирда у тақа кўринишида лойиҳалангани учун "тақа" деб номланган. Ушбу дастлабки университетлар Жефферсон назарда тутганидек "академик қишлоқлар"га айланди. 1840-йилга келиб амалдаги кампус дизайни Америка бўйлаб ягона режалаштириш типологияси сифатида ўрнатилди. Шундан сўнг, янги авлод шаклланиб борган сари, янги дунёқарашли раҳбарлар, архитекторлар ўзларининг ғояларини мана шу концепсия асосида бойитиб боришди. Америка кампуси сезиларли даражада ривожланишни ўзида касб этди. Илм-фан ривожлангани сари янги технологиялар амалиётга жорий этилиши кўзда

тутила бошланди. Дастлаб университет таркибида обсерваториялар, кейинчалик, кимё, физика каби табиий фанлар ривожидан илмий лабораториялар, тадқиқот ўтказиш масканлари лойиҳага киритилди. Машҳур америкалик яна бир меъмор, Александр Жексон Девис Йел, кампус бўйича ўзининг ғояларини амалга жорий қилди ва Жефферсон ғоялари билан бирлашиб, бир нечта таниқли университет кампусларига катта таъсир кўрсатди ва тез орада Шимолий Каролинадаги Давидсон коллежи, Виржиния ҳарбий институти, Мичиган университети, ва Шимолий Каролина университети лойиҳалари шулар асосида барпо этилди. Талабалар турар жой бинолари янгича кўриниш касб этиб, уйғониш даври Готика ва Италия услубларини ўзида намоён эта бошлади. Бундай экзотик бурилиш 19-асрнинг сўнггига қадар сақланиб қолди (2-расм). Бу даврда дунёга машҳур бўлган Массачусетс Технология Институти (MIT, 1861-йил), Калифорния Университети (Баркелей, 1868-йил), Жоржия Технология Институти (1885-йил) каби йирик илм даргоҳлари куриб битказилди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг, Америка университетларида содир бўлган иккита воқеа, университетларнинг функционал ҳолатига яна бир таъсир кўрсатди - касбий тайёргарлик ва АҚШда машҳур бўлган енгил атлетика. Ҳуқуқшунослик, таълим, тиббиёт, ветеринария, журналистика, бошланғич таълим ва архитектура бўйича касбий тайёргарлик фақат шу мақсадлар учун курилган биноларни талаб қилди. Ушбу касб-хунар коллежларидан ташкил топган олий таълим муассасалари либерал санъат, қишлоқ хўжалиги ва муҳандислик соҳаларига бағишланган ҳолда курилган. Университетлар ўртасида ўтказилган коллежлараро спорт мусобақаси Америка кампусининг хусусиятини ҳам ўзгартирди. Натижада университетлар учун алоҳида спорт мажмуалари ҳам лойиҳаланди. Университет таркибида ҳатто улуғвор спорт ареналари ҳам курила бошланди. Бунга мисол, 1903-йилда Римнинг тарихий ва улуғвор аренаси Колизейдан илҳомланиб курилган Гарвард стадионидир.

Биринчи жаҳон уруши пайтида америкалик аскарларнинг жисмоний тайёргарлиги йўқлигидан хавотирланиб, қуролли можаро юз берганда йигитларни яхши ҳолатда сақлаш мақсадида, Америка университетларида футбол ва баскетбол каби спорт турлари тарғиб қилинди. Бунинг натижасида АҚШ университетларининг аксарият университетлари ва коллеж кампусларида катта футбол стадионлари ва баскетбол ареналари қурилди, Пенсилвания университетидаги янги Палестра баскетбол аренаси (1927- йил) ва Дюк Университетида Камерон ёпиқ стадиони (1940-йил) қурилди. Бу даврнинг яна бир ўзгаришларидан бири, барча университетларда кутубхоналарни кенг миқёсда қуриш амалиётга қўлланди. Биринчи жаҳон урушидан кейин кутубхоналарга бўлган талаб ва уларга рўйхатдан ўтиш ва ўқув дарсликларининг ошиши Америка университетларида катта, кенгайтирилган ва юқори даражада ихтисослашган кутубхоналар қуриш тенденциясини тезлаштирди. 1916 йилга келиб, Иллинойс Университетида 1930 йилгача университет кутубхонасида бир миллион жилдли китоблар бўлишини мақсад қилиб қўйган эди. Бу даврда мазкур университет профессор ўқитувчилари ва талабалари бундай катта ҳажмдаги илмий асарлар тўпламига кичик кутубхона сиғими етмаслигини фаҳмлашди. 1921 йилда Иллинойс ўз тарихидаги энг йирик қурилиш даврини бошидан кечираётган бир пайтда, университет томонидан ёлланган архитектор Чарлз Платт янги кутубхонани лойиҳалаштиришга киришди. Платт уни аввалги кампусни қуриш услубига уйғун тарзда ишлаб чиқди; унда кириш хонаси, зинапоялар, маълумот зали ва учта катта ўқиш хоналари жойлаштирди. Иллинойс университети асосий кутубхонаси олти қаватли баланд тош ва бетон конструкциялар билан бир неча босқичда қурилиши бошланди. Шунга ўхшаш кутубхона бинолари Гарвард, Ел, Колумбия, Корнелл, Чикаго университети, Техас, Калифорния-Беркли ва Мичиган сингари барча йирик университетларда қурилган. Ушбу университет кутубхоналарнинг ҳар бири АҚШ бўйлаб Нью-Ёрк, Бостон, Детройт, Сент-

Луис ва Сан-Франциско каби шаҳарларда қурилган йирик шаҳар кутубхоналарини лойиҳалаш ва қуриш бўйича олинган сабоқларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Улар архитектура ва кутубхонашуносликда давом этаётган эволюциянинг самараси бўлиб, улар Америка университетларининг ҳақиқий кучи ва обрўсини - билимларни яратиш ва тарқатиш жойларини рамзий маънода англатади (4-расм). Иккинчи Жаҳон Урушидан кейинги давр АҚШ замонавий университет архитектурасида катта ўзгаришларни бошлади. 1920-1930 йилларда университет биноларини лойиҳалаштиришда амалга оширилган услубий стандартлар амалда эскиргани яққол кўриниб қолди, натижада Нео-классизм, модернизм усуллари Америка университетларини режалаштиришда фойдалана бошланди. Натижада янги кўринишдаги архитектура шакллари амалда кўрина бошланди. 1949- йил тажрибали немис архитектори, Людвиг Миз Ван дер Роҳ, Чикагода Иллинойс университетининг янги лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳа Бюкс-Артс (Beaux-Arts) форматида яратилган бўлса-да, бино ташқи қопламаси ойнаванд ва пўлат конструкциялардан ташкил топди. 1956-йилда Колорадо штатидаги АҚШ ҳаво кучлари академияси учун ҳам худди шундай лойиҳалаштириш асос қилиб олинди. 1949- йил тажрибали немис архитектори, Людвиг Миз Ван дер Роҳ, Чикагода Иллинойс университетининг янги лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳа Бюкс-Артс (Beaux-Arts) форматида яратилган бўлса-да, бино ташқи қопламаси ойнаванд ва пўлат конструкциялардан ташкил топди. 1956-йилда Колорадо штатидаги АҚШ ҳаво кучлари академияси учун ҳам худди шундай лойиҳалаштириш асос қилиб олинди. Кўплаб университетлар ўзининг биноларини янги ҳолатга модернизм усулида қуришга киришиб кетди. Университетлар таркибида бўлган тарихий бўлиб қолган бир неча асрлик университет биноларини ҳам ўзгартира бошланди, уларни эскирган деб ҳисоблана бошланди. Тарихни ўзида мужассам этган бинолар бузилиши кузатилди. Бундай ҳолат жамоатчиликнинг кескин норизолигига сабаб бўлди.

Натижада 1966-йил АҚШда “Миллий тарихни сақлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Аммо кўплаб ўзгаришларни бошидан кечирган Американинг университетларида тарихий бинолар ва майдонларни сақлашни амалга ошириш қийин вазифа бўлиб қолди. 20-асрнинг бошларида ва ҳозирги кунгача Америка университетининг меъморчилиги ва режалаштирилиши бутун дунёдаги университетларда олий таълим меъморчилигига катта таъсир кўрсатди. Жамиятни ҳаракатга келтирувчи муҳим ижтимоий тенденцияларни акс эттирувчи ҳар бир муҳим босқичда Америка кампус мажмуалари таълим учун муҳим масалаларнинг ўзида ечимини кўрсатиб берди. Осиё, Европа, Африка ва Австралиянинг тажрибали меъморлари ва ўқитувчилари ушбу ноёб Америка архитектура типологиясини ўрганиб, ўз мамлакатларида такрорладилар. Америкалик университетлари ҳозирги даврда ҳам жамият, илм-фан ва технология янгиланаётган ҳар бир даврда ҳам, креатив ечимлари билан архитектурада янги босқичларни очиб бормоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Чен Жоди. 2014. "Иллинойс университети Хитой билан 100 йиллик ўзаро алоқалар тарихига эга" (*"University of Illinois has 100-year History of Interaction with China"*), Чикаго
2. Калво-Сотело Пабло. 2006. “Утопия саёҳати: Европадаги биринчи Америка услубидаги кампус ҳақида ҳикоя” (*"The Journey of Utopia: The Story of the First American Style Campus in Europe"*).
3. Крутй Паул. 1990. "Натан Клиффорд Рикер: Иллинойс Университетида архитектурани ташкил этиш". (*"Nathan Clifford Ricker: Establishing Architecture at University of Illinois"*)
4. Квинси Жошия. 1860. "Гарвард университети тарихи" (*"A History of Harvard University"*)
5. Вудс Марй . 1985. "Томас Жефферсон ва Виржиния университети: академик қишлоқни режалаштириш". (*"Thomas Jefferson and the University of Virginia: Planning the Academic Village"*)